

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙГОНИШ АДАБИЁТИ ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА МУВАШШАҲ-ГАЗАЛЛАР

Майдинова Арофатой Уриновна

Чирчиқ давлат педагогика университети

Гуманитар фанлар факультети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

arofat@cspi.uz

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбек миллий уйғониши адабиёти шоирлари яратган мувашшаҳ-газаллар, уларнинг ўзига хослиги ҳамда мувашшаҳларда шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланганлиги ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** шеър, шоир, газал, мувашшаҳ, шеърий санъати, аруз вазни, матлаъ, мақтасъ.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о мувашшаҳ-газелях, созданных поэтами узбекской национальной литературы эпохи Возрождения, их своеобразии, а также об умелом использовании поэтического искусства в мувашшаҳах.

**Ключевые слова:** поэма, поэт, газель, мувашшаҳ, поэтическое искусство, аруз вес, матла, восхваление.

### ABSTRACT

The article talks about muvashshah-ghazals created by the poets of the Uzbek national renaissance literature, their uniqueness as well as skillful using of poetic arts in muvashshahs.

**Key words:** poem, poet, ghazal, muvashshah, poetic art, aruz weight, matla', praise.

### КИРИШ

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек адабиётида мувашшаҳ ёзмаган шоирни топиш мушкул бўлгани ҳолда мувашшаҳларга фақатгина шакл ҳодисаси деб эмас, балки бадиият мезонлари асосида ёндашилганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, Фурқат, Муқимий, Мухий, Ҳазиний, Завқий каби мумтоз шоирлар мувашшаҳ-газалларнинг бадиий етук намуналарини яратганлар. Академик А.Қаюмовнинг: “Биз таҳлил учун Фурқатнинг юксак шеърий қобилияти, бой ва ўткир тафаккурга хос ғазалларини оламиз” [7,46], – дея эътироф этиб, таҳлилга тортган ғазаллари орасида мувашшаҳларнинг ҳам борлиги бунга ёрқин мисол бўлади.

Ўзбек миллий уйғониш адабиёти шоирлари ижодида ғазалнинг мувашшаҳ-ғазал тури оммалашган. Мувашшаҳ-ғазаллар оддий ғазал шаклий белгилари асосида яратилган. Бу турдаги ғазаллар анъанавий ғазаллар ҳисобланиб, шоирнинг лирикадаги маҳоратини қўрсатиши жиҳатидан қимматлидир. Мувашшаҳчиликда энг кўп мувашшаҳ ёзган шоир Муқимийнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган мувашшаҳ-ғазалларидан бири қуйидагича:

**Қадингдин сарвлар боғ ичра, эй гулфом, айлансан,**  
**Кўзунгдин ўргулуб наргислари бодом айлансан.**

**Ики-уч донаи холинг ҳавосида жамолингдин,**  
**Бўлуб кўнглум қушиға икки зулфинг дом айлансан.**

**Рақиблар аҳлига айлаб ажаб ширин такаллумлар,**  
**Тағофул манга йўқтур лоақал дашном айлансан.**

**Йироқдин айланолмай доғдадурман, эй пари-пайкар,**  
**Бориб энди менинг-чун ушбуким пайгом айлансан.**

**Хиром эт кабкни кўнглида қолсан онча армонлар,**  
**Ололмай тоғу тошлар бир нафас ором айлансан.**

**Ичиб ағёрлар васлинг майдин маст базмингда,**  
**Карам қил ман сари ҳам соқиё бир жом, айлансан.**

**Неча дамсозлиқ бегонаға, эй кўзлари оху,**  
**Нетарким ошино бўлсанг манга ҳам ром айлансан.**

Муқим (vasfingni durrin) хотами назмиға чекмишdir.  
Қолур деб яхши сендин ҳам жаҳонда ном, айлансан.

Қориҳон номига битилган “Айлансан” радифли мазкур мувашшаҳ-ғазал 8 байтдан иборат бўлиб, “гулфом”, “бодом”, “дом”, “дашном”, “пайгом”, “ором”, “жом”, “ром”, “ном” сўзлари қофиядош бўлиб келган. Матлаънинг ҳар икки мисраси қофияланган, мақтаъда эса шоир тахаллуси қўлланиб, ғазалнинг мувашшаҳ эканлигига ишора қилинади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Лирик жанрларнинг, жумладан ғазалнинг ҳажми масаласи алоҳида эътибор қаратиладиган мавзулардан. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асарида ёзилишича: “Ғазалнинг аксари” йигирма байт бўлур. Ва ақалли беш байт. Андин ўксук бўлмас. Магар қофия табилмаса, тўрт байт қилурлар. Ул ҳам зарурат ҳукмидин жоиздур” [6,38]. Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов улуг шоир лирикасига бағишлиланган тадқиқотида бу хусусда мана бундай ёзади: “Навоий лирик асарларнинг ҳажми масаласида тамоман анъана таомилида ижодий мақомда, шеърни сунъий равишда қисқартирмаслик ёки сўзмаслик нуқтаи назарида турган ва маълум қоидалар билан ўзини қатъян чекламаган” [8,54]. Алишер Навоий лирикасидаги бундай ижодий ёндашув кейинги даврлар шеъриятига ҳам таъсир қилмай қолмади. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошлари ғазалиётида ҳам ҳажм нуқтаи назаридан Навоий анъанасига издошлик кузатилади. Буни мувашшаҳ-ғазаллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, мувашшаҳ-ғазалларнинг байтлари исмдаги ҳарфлар миқдори билан белгиланади. Шунга кўра байтлар миқдори 6-7 байтдан то 17 байтгача бўлиши мумкинлиги кузатилади.

Кўпинча мувашшаҳлар содда, байтлар миқдори ошмаган, қўшиқ қилиб куйлашга мос тарзда яратилган бўлса, яна шундай мувашшаҳлар борки, уларда “мулло”, “абду”, “мир” сингари исмнинг олдига қўшиладиган; “хон”, “жон”, “қори”, “маҳзум”, “бек”, “бой” каби исм охирига қўшиладиган сўз ва қўшимчалар ҳисобига байтлар миқдори ошиб боради. Масалан, Боситхон Ҳариқийнинг Мулло Абдулфаттоҳжон номига битилган ҳазажи мусаммани солим вазnidаги ишқи илоҳий мавзудаги мувашшаҳ-ғазали ҳам анъанавий оддий ғазаллардан ҳисобланиб, байтлари сони энг кўп мувашшаҳ-ғазаллардан саналади.

## МУҲОКАМА

Шоир Ҳариқийнинг барча мувашшаҳларида мувашшаҳ бағишлиланган шахсларга ҳурмат сифатида, шунингдек, насаб ҳамда мақомларига кўра “мулло”, “хожи”, “абду(л)”, “мир” сингари исмнинг олдига қўшиладиган; “хон”, “жон”, “бой”, “бек”, “қори”, “маҳзум” каби исм охирига қўшиладиган сўз ва қўшимчалар қўлланган. Эътибор берилса, “хон” қўшимчаси мувашшаҳ-ғазаллардаги исмларга энг кўп қўшилган қўшимча экан. Бу қўшимча кўпинча Фарғона водийсига мансуб қиз ва аёллар номларида, шунингдек, бошқалардан фарқли равища, асосан, пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в) авлодларига мансуб

хўжа ва эшонзодалар (хўжа, тўра шакллари ҳам мавжуд) исмларида учрайди. Буни мувашшаҳлардаги шахси аниқланган исмлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, “Абдулазизхон” (Камий); “Маҳмудхон” – Маҳмудхўжа (Фурқат, Муқимий), “Зиёвуддинхон” – Ҳазиний (Мискин), “Низомхон” – Мулла Низомиддин Сайфиддин хўжа ўғли (Муқимий), “Тожихон”(Муқимий), “Қосимхон” – Қосимхон тўра Сайфиддинхон тўра ўғли ( Камий) ва бошқалар. Мазкур қўшимча баъзан ҳурмат юзасидан (ҳозир, асосан, Қўқон, Марғилон шаҳарлари аҳолиси орасида кузатилади) бошқа эркакларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Шундай мувашшаҳ-ғазалларга “Боқиҳон” – Боқижонбой (Камий), “Тўйчиҳон” – Тўйчи ҳофиз(Фурқат) кабиларни мисол келтириш мумкин.

Исламига “жон”, “бой”, “бек”, “қори”, “маҳзум” қўшимча ва сўзлари қўшилган мувашшаҳларни ҳам кузатиб, юқоридаги фикрларга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан: “Юсуфжон” – Юсуф бойвачча, “Мақсаджон” , “Қурбонжон”(Фурқат), “Иномжон”, “Жўрабек” (Ҳазиний), “Усмонжон”, “Қосимжон”, “Тожихон”, “Мамажон” (Муқимий), “Акбаржон”, “Абдуллоҳжон”, “Каримжон”, “Назирбек” (Завқий), “Мулло Аҳмаджон”, “Мулло Ҳидоят қори” (Хариқий), “Хусайнбек” (Камий), “Исмоил маҳзум” (Мискин) ва бошқалар.

Мувашшаҳларида, асосан, “жон” қўшимчаси қўлланилган яна қўпгина шоирлар ҳам борки, бу уларнинг истиқомат қилаётган муҳити билан боғлиқ дейиш мумкин. Масалан, Хоразм ва Бухорода, ҳатто, аёллар номига ҳам “жон” қўшимчасининг қўлланиши кузатилади. Шу боис Феруз мувашшаҳларида “Ражабжон”, “Юсуфжон”, “Юнусжон”, “Фаножон”, “Қадамжон”, “Отажон”, Рожий Хоразмий ижодида “Ниёзмуҳаммаджон”, “Муҳаммад Имонжон”, “Ойсажон”, “Холжон”, “Паҳлавонжон”, “Толибжон”, “Отажон”, “Авазжон, “Муҳаммаджон”, Комил Хоразмий мувашшаҳларида “Насриддинжон”, “Абдуллажон”, “Иброҳимжон”, “Отажон”, “Муҳаммадаминжон” ёки каттақўрғонлик шоир Мирий ижодида “Жалолжон”, “Жамолжон”, “Комилжон”, “Ғуломжон”, “Тўхтамишжон”, “Дилмуроджон” сингари “жон” қўшимчали исмларнинг учраши, табиий.

## **НАТИЖАЛАР**

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижодида ўттиздан ортиқ мувашшаҳ-ғазаллар ўрин олган. Масалан, шоирнинг Қаландархон номи билан зийнатланган “Баланд” радифли мувашшаҳ-ғазали ҳам оддий ғазал шаклий белгилари асосида ёзилган. Тўққиз байтли бу ғазал чуқур мазмуни, тутилмаган

ташбехлари, фикрнинг мантиқий изчиллиги ва санъаткорона ифодаси билан Фурқат ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг Қаландархон исми билан безалган яна бир “Топмишам” радифли мувашшаҳ-ғазали эса Фузулиёна услубда ёзилгани билан эътиборни тортади. Газал матлаъси қуидагича:

Кумридек бу боғ аро сарви сановбар топмишам,  
Ёки булбулдек гули навбарги аҳмар топмишам.

Шоир бу мувашшаҳ-ғазалда ҳам таносуб санъатидан фойдаланиб, ёрга ошиқликни боғда қумрининг сановбарга ошиқлигига ёки булбулнинг гулга шайдолигига қиёслайди. Кейинги байтда эса талмех шеърий санъати воситасида тасвир янада қуюқлашади, яъни лирик қаҳрамоннинг ҳижрон коронғусида маҳбубани топганини гўёки рамазон ойида Лайлат ул-қадрни ёки эл ичида Хизр алайҳиссалом номи билан машхур бўлган афсонавий зотни учратганига тенглаштирилади. Шоир кейинги байтларда ҳам *гаввос*, *баҳр*, *гавҳар* сўзлари воситасида таносуб, қўл, *Сикандар* ва шому *саҳар* сўзлари иштирокида тазод санъатидан моҳирона фойдаланади. Мақтаъда эса мувашшаҳ боғланган Қаландархон исмини ҳам ўз маъносида, ҳам мазкур шахсга ишора тарзида қўллаган. Кўринадики, шоир шеърий санъатлардан поэтик фикрни кучайтириш, бадиий мазмунни бойитиш мақсадида унумли фойдаланган.

Маълумки, мувашшаҳлар аруз вазнининг бир неча баҳрларида яратилган. Чунончи, ҳазаж, рамал, сареъ, ражаз баҳрлари мувашшаҳларнинг аксариятига хосдир. Мазкур баҳрлардаги шеърлар ўйноқи, ёқимли оҳангларда ўқувчи хотирасига тез ўрнашиши билан ажralиб туради. Шунинг учун бўлса керак, даврнинг беназир шоирлари яратган мувашшаҳларнинг аксари қўшиққа айланиб, халқ қалбидан чуқур жой олган. Жумладан, шоир Муқимиининг “Шўхи париваш”[1,144] Шаробхон, “Жамолингни кўриб” Тўлахон, “Суратинг” Мақсудхон, “Кокилинг” Рашидхон, “Сиз экансиз” Жамолхон, “Қайда борай?” Солиҳхон, “Гажагим” Сиддиқхон, “Иҳтиёр айлармудим?” Сиддиқхон, “Қаландар – V” Адолхоним, “Доғмен – I (II) Аъзамхон, “Аҳд” Абдуллоҳхон, “Қаландар – II (Шаҳлоларинг бордур)” Шаробхон, “Қайдадур?” Курбонхон, “Раънолифинг” Акбархон номлари билан зийнатланган мувашшаҳ-ғазаллар бўлиб, халқимиз севган қўшиқлар ҳисобланади. Бундан ташқари “Кесанг-чи!”, “Райҳонларинг бордур”, “Мубтало”, “Айлай десам”, “Назокат боғида” мувашшаҳлари ҳам қўшиқ қилиб куйланади.

## ХУЛОСА

Хуллас, Миллий уйғониш даври адабиёти намояндадари такрорланмас бадиий топилма ва образлар, гўзал ташбехлар, бадиий тасвир воситаларидан

мохирона фойдаланиб, мувашшаҳларнинг бадиий етук намуналарини яратиб, халқимиз маънавий меросини бойитганлар.

## REFERENCES

1. Муқимий. Интизор.(Кўшиқлар). Тузувчи: Э.Очилов. – Т.: Iqtisodiyot, 2021.
2. Muydinova A.U. Muvashshahning tarixiy ildizlariga doir ba’zi mulohazalar // Ilm sarchashmalari. - Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali, №11, 2022yil. - B. 149-153.
3. Muydinova A.U. A LOOK AT THE HISTORICAL ROOTS OF MUVAHASHSHAH ART.// ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 12, Issue 05, May 2022.
4. Майдинова, А. (2022). МУВАШШАҲЧИЛИК АНЪНАСИ. *Academic research in educational sciences*, 3(3), 1042-1047.
5. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1973.
6. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент: Хазина, 1996.
7. Қаюмов А. Шеърият жилолари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997.
8. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.